

## ҒАЗАЛЛАР ТАРЖИМАСИ БОРАСИДАГИ АЙРИМ МУАММОЛИ ҲОЛАТЛАР



<https://doi.org/10.5281/zenodo.6653802>

**Ахмедова Феруза**

Самарқанд давлат чет тиллар институти ўқитувчиси  
+998995764159

**Гаффарова Ирода**

Самарқанд давлат чет тиллар институти талабаси  
+998937225728

**Гаффорова Севинч**

ToshDUTAU талабаси

### АННОТАЦИЯ

*Ушбу мақолада ғазаллар таржимасида юзага келадиган айрим муаммоли ҳолатлар уч тилда қиёслаб ўрганилиб чиқилган.*

**Калит сўзлар:** шаклий белги, шеърый асар, ғазалиунослик, радиф, байт, тафоввут, жанр тузилиши.

### ABSTRACT

*This article compares some of the problems encountered in the translation of poems in three languages.*

**Keywords:** formal character, poetic work, ghazal, radif, byte, difference, genre structure.

### АННОТАЦИЯ

*В данной статье сравниваются некоторые проблемные ситуации, возникающие при переводе газелей на три языка.*

**Ключевые слова:** формальный характер, поэтическое произведение, газель, радиф, байт, отличие, жанровая структура.

### КИРИШ

Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзининг “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида «Илгари ўзбек адабиётининг намуналарини бошқа тилларга таржима қилиш асосан учинчи тил, яъни рус тили орқали амалга оширилар эди. Бу борада қилинган катта ишларни муносиб баҳолаган ҳолда, эндиликда адабиётимизнинг энг етук асарларини бевосита она тилимиздан ғарб ва шарқ тилларига таржима қилишга қаратилган ишларни

кучайтиришимиз зарур» [1,] - дея таъкидлаган. Дарҳақиқат, бугунги кунга қадар Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Нодирабегим, Фурқат ва бошқа бир қатор буюк ғазалнависларимиз бизга мерос қилиб қолдирган бебаҳо асарларидан айримларининг инглиз тилидаги таржималари ҳорижлик китобхонлар томонидан мутоала қилинмоқда ва бу бизнинг қалбимизда фахр туйғусини уйғотади. Аммо бу асарлар она тилимиздан тўғридан тўғри инглиз тилига таржима қилинмаган, балки рус тили орқали таржима қилинган. Шу сабабдан баъзи бир таржималарда мазмун ва шакл жиҳатдан бузилишлар ҳам мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг ёшларимизнинг ҳорижий тилларни ўрганишлари учун катта имкониятлар эшиги очилди. Ҳозирги пайтда ўзбек адабиёти намуналарини тўғридан тўғри бошқа тилларга таржима қилаётган ижодкорлар пайдо бўла бошлади.

### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ**

Таржима ижодий фаолият соҳасига киради. Шу жараёнда таржимоннинг лисоний ва маънавий билимлари матнда ўз ифодасини топади. Таржимон, аввало она тилини яхши билиши, бошқа халқларнинг, хусусан таржима қилинаётган асар мансуб халқнинг адабиёти, тарихи, маданияти ва менталитетини чуқур ўрганган бўлиши лозим. Таржимоннинг маънавий билимлари қанчалик чуқур ва кенг бўлса, бадий таржима матнининг эквивалентлик даражаси шунча юқори бўлади. Матнни ўқувчи қандай тушуниши ва таъсирланиши бу таржимонни жиддий ўйлантириши керак бўлган муҳим масаладир.

Таржимон ҳам тил билиши ҳам ижодкор бўлиши керак. Айниқса ғазалларни таржима қилиш таржимондан катта масъулият ва меҳнат талаб қилади. Бу борада рус таржимашуноси Е. Дунаевский ўзининг “О переводе газели” (“Ғазал таржимаси ҳақида”) номли асарида шундай ёзади: “Ғазал формасини рус тилида бериш анчагина мураккаб вазифа ҳисобланади. Формани аниқ қайта яратишнинг иложи йўқ, деб ҳисоблаймиз” 3.

Таржимон аввало она тилининг ўзига хос хусусиятларини, фонетика, грамматика, лексикалогия, стилистика ва бошқа шу каби бўлимларини, адабиёт назариясини, бадий санъат турларини чуқур ўрганган бўлиши лозим.

Айнан ғазалларни таржима қилувчи ижодкорлар аввало ғазал нима эканлигини чуқур англаши керак. Ғазал нима? Ғазал – бу 5 байтдан 9-11 байтгача бўладиган биринчи байтнинг мисралари ўзаро қофияланиб, қолган байтларнинг иккинчи мисраси биринчи байт билан қофиядош бўлган шеър.

Охирги байтда муаллифнинг тахаллуси келтирилади. Лекин бу шаклий белгиларига кўра берилган тарифдир холос. Чунки шеърий таржимага асарнинг жанр тузилиши, шаклий белгилари катта таъсир кўрсатади. Мисол учун Шарқ шеъриятининг қасида, ғазал, рубоий каби жанрларни бошқа тилга таржима қилганда улардаги муҳим шаклий жиҳатлар сақланмаса, оҳанг ҳам, маъно ҳам юзага чиқмай қолади. Ғазалнинг ҳар бир байти ўзидан олдинги байт билан қофия, радиф, вазн орқали, шоирнинг кайфиятини ифодаладиган интонация билан узвий боғланиб келади. Бу шеърнинг яхлитлигини таъминлаб, ўқувчига кучли таъсир этадиган бадиий воситадир.

Кўпчилик таржимонлар ғазалнинг байт тузилишини беришга риоя қилдилар. Аксарияти арузнинг ўзини акс эттиролмаган бўлса-да шарқона оҳангни бир қадар ифодаладиган шеърий интонация ҳосил қилишга уриниб кўрдилар. Бу усул ҳозир ҳам давом этмоқда. Атоқли таржимашунос Иржи Левий квантатив (метрик) вазнга асосланган қадимги шеъриятни (юнон, рим, форс, туркий шеърлар) ҳозирги европа тилларига таржима қилиш талабларини таҳлил қилиб қуйидаги назарий хулосаларни баён этган:

1. Вазни сақлаш; Бунда шеъриятнинг ритмикаси фақат бир гуруҳ ўқувчиларга ҳазм бўлиши мумкин.
2. Бошқа вазнга ўтказиб ўгириш;
3. Эркин шеър билан таржима қилиш

Динара Султонова Алишер Навоийнинг “Келмади” радифли ғазалини тўғридан тўғри инглиз тилига таржима қилинди ва бу инглиз таржимашунос олимлари томонидан муносиб қарши олинди. Лекин бунгача ушбу ғазал рус тилига В. Рождественский томонидан ва инглиз тилига Қахрамон Маъмуров томонидан таржима қилинган.

Агар биз ўзбек таржимонларининг мазкур ғазални тўғридан тўғри инглиз тилига қилинган таржимасини солиштириб кўрадиган бўлсак, бир қанча байтлардаги тафовутни учратишимиз мумкин.

Алишер Навоий

*Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади,*

*Кўзларимга кеча тонг отгунча уйқу келмади.*

*Лаҳза-лаҳза чиқтиму, чектим йўлида интизор,*

*Келди жон оғзимгаю ул шўхи бадхў келмади.*

Д. Султанова таржимаси

*Having shown her will to come, my mistress that flower fail'd to come  
And for my longing eyes that night, a sleep till all hours fail'd to come*

*And long – and long grieved I, stared at the road she used to walk along  
Methought in love of hers would die, as my joy ful liar fail'd to come*

Қ. Маъмуров таржимаси

*Thought she had promised, that night my willowy beauty did not come,  
That night, till the very dawn, sleep did not come.*

*My suffering drove me to scan the road again and again,  
But though my heart was about to break the frolicsome one did not come.*

Кўриниб турибдики, Қ.Маъмуров Байт тузилишини чиройли қилиб беришга эриша олмаган. Мисралардаги бўғинлар сони ҳар хил – биринчи байтнинг олдиги мисраси 16 бўғиндан иборат бўлса, кейинги мисраси 11 бўғинга айланиб қолган. Радифни беришга ҳаракат қилгану, қофия қайта яратилмаган 6.

### МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда ёшларимизнинг чет тилларини ва таржима санъатини ўрганишга бўлган қизиқиши табора ортиб бормоқда. Келажакда шарқимиз ноёб дурдоналари бўлмиш ғазалларимиз, достонларимиз қолаверса ўзбек мумтоз лирикасини жаҳон адабиётида юксак чўққиларини забт этишдек улкан мақсадларни амалга ошириш биз каби ёшларнинг асосий вазифаларимиздан бири деб ҳисоблаймиз. Шундай экан биз аввалом бор таржима санъатини мукаммал ўрганишимиз лозим. Қуйида келтирилган Машрабнинг айрим ғазалларидан намуналарни инглиз ва ўзбек тилларида талқин қилиб ўтамыз.

Bu tani xokiniyu ruhi ravonni na qilay?!

Bo'lmasa qoshimda jonona, bu jonni na qilay?! 7

If a clay I am what for to me this vegetative life?

If my beloved is no here, why still I am alive? 8

Энди Машраб ғазалининг ушбу байтига эътибор қаратадиган бўлсак, “Бу тупроқдан яралган тана ва шу тандаги мавжуд руҳим менга не керак, қошимда ёрим (яъни бу ерда “ёр”деб “Аллоҳ”ни назарда тутган) бўлмаса, бу жон не керак”, деган маъно келиб чиқади.

Энди ғазалнинг иккинчи байтини қараб чиқамиз.

Yorsiz ham bodasiz Makkaga bormoq ne kerak?  
Ibrohimdin qolg'an ul eski do'konni na qilay?!

Without the wine and the beloved, what I will go to Mecca for?

I do not need these churches, mosques, and oldness any more.

Инглиз тилида берилган муқобилида “Ёрсиз ҳам виносиз Маккага бормоқ не керак?” деган маънода келтирилган. Аммо ўйлаб кўриладиган бўлса, Машраб ғазалидаги “бода” сўзи май, яъни вино маъносида қўлланилмаган, уни “Ҳаққа ишонч” маъносида қўлланилган, яъни “Кўнглимда Аллоҳ бўлмаса Маккага бормоқ не керак” демоқчи. Яна бир нарсага эътибор қаратиш лозимки, байтни иккинчи сатрида “мен бу эски черковлар, масжидларни не қилай?” деб берилмоқда. Аслиятда эса Машраб “Иброҳимдан қолган эски дўкон” деб Иброҳим ва унинг ўғиллари томонидан қурилган Маккани, яъни мусулмон оламининг муқаддас зиёратгоҳини назарда тутган. Зеро, биз келтириб ўтган байтлар Машрабнинг “Худодан ўзгаси барча ғалатдур” деб номланган ғазалидан олинган.

Кўриниб турибдики, ғазалнинг инглиз тилидаги муқобилида рус тилидан таржима қилингани яққол намоён бўлиб турибди. Зеро, рус тилида ушбу байтлар қуйидагича талқин этилган:

Если прах я, для чего мне прозябание мое?

Если милой нет, на что мне мирозданье без неё?

Без вина и без любимой в Мекку для чего пойду?

Что мне храмы и мечети – лавки ветхие, старье!

Тўғри биз юқорида келтириб ўтганимиздек, асосан шеърый таржимага асарнинг жанр тузилиши, шаклий белгилари катта таъсир кўрсатади. аммо Шаклга эътибор қаратиб маъно ва мазмунни бир четга суриб қўйиш мақсадга мувофиқ эмас.

### ТАКЛИФ ВА ХУЛОСАЛАР

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек адабиёти намуналарини инглиз тилига таржима қилувчи ижодкорларнинг олдида турган энг асосий вазифа, аввало ғазалларни она тилидан инглиз тилига тўғридан тўғри, жанр тузилиши, шаклий белгилари ва асосан, мазмун моҳиятига алоҳида эътибор қаратган ҳолда таржима қилишдир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. И. А. Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Тошкент. “Маънавият” 2008. 139-б.
2. Ш. Сирожиддинов, Г.Одилова. “Бадий таржима асослари” Тошкент. “Мумтоз сўз”2011 .
3. Е. Дунаевский. “О переводе газели”. М.:1935.стр
4. Ғ.Саломов. “Дўстлик кўприклари”. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т.: -1979. 156-б.
5. Иржи Левий. “Искусство перевода”. М.: “Прогресс”.-1974. 255стр.
6. Д.А.Султонова, Ф.Р.Ҳалимова. Шеър ва таржима. Самарқанд. “СамДЧТИ нашр матбаа маркази”-2009.58-б.
7. Бобораҳим Машраб. “Худодан ўзгаси барча ғалатдур” ғазали. Интернет тармоғи. [www.Ziyouz.com](http://www.Ziyouz.com) сайти. She'riyat - O'zbek klassik she'riyati
8. Тухтасинов, И. М. (2011). Лингвокультурологические и гендерные особенности сложных слов в художественном тексте (на материале английского и узбекского языков). Автореф. дисс.... канд. филол. наук. Ташкент: УЗГУМЯ.
9. Тухтасинов, И., & Хакимов, М. (2021). Modern views on the problem of distance and traditional methods of teaching italian language in higher education institutions. Society and Innovation, 2(2), 111-117.
10. Tukhtasinov, I. M., Muminov, O. M., & Khamidov, A. A. (2017). The days gone by. Novel by Abdulla Qodiriy. Toshkent.
11. Tukhtasinov, I. M. (2018). The structure of the phenomenon of equivalence and its importance for translation strategies. In Modern Romano-German linguistics and new pedagogical technologies in language teaching, Materials of the Republican scientific-practical conference, Samarkand.
12. Тухтасинов, И. М. (2018). Развитие профессиональной компетенции на основе эквивалентности при подготовке переводчиков.
13. Tukhtasinov, I. M. (2017). Discursive approach in the training of translators. In Mat. International scientific and creative forum" Youth in science and culture of the XXI century". Chelyabinsk: Chelyabinsk State Institute of Culture (pp. 229-231).
14. Тухтасинов, И. М. (2012). Национально-культурная специфика сложных слов, выражающих внешность и характер человека, в английском и узбекском языках. Вестник Челябинского государственного университета, (2 (256)), 122-125.

15. Тухтасинов, И., & Хакимов, М. (2021). Современные взгляды на проблему дистанционного и традиционного методов обучения итальянскому языку в высших учебных заведениях. *Общество и инновации*, 2(2), 111-117.
16. Тухтасинов, И. М. (2017). Дискурсивный подход в обучении переводчиков. In *Научные школы. Молодежь в науке и культуре XXI в.* (pp. 229-231).
17. Тухтасинов, И. (2021). Таржимоннинг касбий компетенцияси ва фаолият функциялари. *Иностранная филология: язык, литература, образование*, (3 (80)), 5-10.
18. Тухтасинов, И. (2021). Особенности формирования учебного процесса в системе высшего образования Узбекистана в условиях Covid-19. *Иностранная филология: язык, литература, образование*, (1 (78)), 11-18.
19. Тухтасинов, И. М. (2020). Лингвокультурологический аспект обучения переводческой компетенции. In *Язык и культура* (pp. 226-231).
20. Тухтасинов, И. М. (2020). Лингвокультурологический аспект обучения переводческой компетенции. In *Язык и культура* (pp. 226-231).
21. Tuhtasinov, Ilhom and Lutfilloeva, Fahriniso, *The Japanese Language Teaching Technologies Based on Computer Simulation Models* (September 10, 2019). Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=3458780>
22. Тухтасинов, И. М. (2019). ВНЕДРЕНИЕ ИННОВАЦИЙ В ПРОЦЕСС ОБУЧЕНИЯ ТЕОРИИ И ПРАКТИКИ ПЕРЕВОДА. In *Россия-Узбекистан. Международные образовательные и социально-культурные технологии: векторы развития* (pp. 111-113).
23. Тухтасинов, И. М. (2018). Методика выявления эквивалентности слов разносистемных языков в процессе перевода. *Бюллетень науки и практики*, 4(7), 539-544.
24. Тухтасинов, И. (2017). Таржимада маданият мослашиш ҳолатлари. *Иностранная филология: язык, литература, образование*, 2(2 (63)), 5-9.
25. Тухтасинов, И. (2017). Жамият тарихининг ҳозирги босқичида таржимонлар тайёрлашнинг асосий муаммолари. *Иностранная филология: язык, литература, образование*, 2(4 (65)), 20-24.
26. Тухтасинов, И. (2016). Таржима назариясида тиллараро эквивалентлик тушунчаси ва унинг таъқиқи. *Иностранная филология: язык, литература, образование*, 1(4), 26-30.
27. Тухтасинов, И. М. СОЦИОЛИНГВИСТИЧЕСКАЯ СПЕЦИФИКА В ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ. ББК 74.48 Р 76, 314.

28. Djurayev, D. M. Linguo-cultural Approach to Teaching Foreign Languages. International Journal on Integrated Education, 3(12), 240-241.
29. Джураев, Д. (2021). ХИТОЙ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ТАЛАБА ХАРАКТЕРИНИНГ АҲАМИЯТИ. АКТУАЛЬНОЕ В ФИЛОЛОГИИ, 1(1).
30. Джураев, Д. (2020). Талабаларни таълим жараёнида хитой тилига ўқитиш самарадорлигини ошириш методлари. Иностранная филология: язык, литература, образование, (1 (74)), 124-127.
31. Джураев, Д. М. (2017). ИСТОРИЧЕСКИЕ ПРЕДПОСЫЛКИ ОБУЧЕНИЯ И МЕТОДЫ ПРЕПОДАВАНИЯ КИТАЙСКОГО ЯЗЫКА В УЗБЕКИСТАНЕ. In Актуальные вопросы преподавания китайского и других восточных языков в XXI в. (pp. 84-88).
32. Dilshod, D. (2012). 乌兹别克斯坦与中国重要节日的对比 (Master's thesis, 新疆大学).
33. Турниязов, Н. К. (1985). Принципы формирования синтаксической структуры сложноподчинённого предложения в узбекском языке/-Ташкент. Укитувчи.-1985,-с22.
34. Turniyozov, N., & Rahimov, A. (2006). O'zbek Tili [M].
35. Турниёзов, Н. (1998). Назарий грамматикадан очерклар. Самарқанд: СамДЧТИ, 998, 48.
36. Сулейманова, Н. М., & Турниязов, Н. К. (2018). О ФОРМИРОВАНИИ СТРУКТУРНОЙ СХЕМЫ В ЧЕЛОВЕЧЕСКОМ СОЗНАНИИ. In Научные школы. Молодёжь в науке и культуре XXI века (pp. 39-42).
37. Турниёзов, Н. (2016). Синтагматик муносабат ва дискурс шаклланишига доир баъзи қайдлар. Иностранная филология: язык, литература, образование, 1(4), 10-13.